

ГУЛАМОВА Мавжуда Тошпулатовна
Бухоро давлат тиббиёт институти
кимё фанлари номзоди, доцент
gulamovamavjuda@mail.ru

АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙНИНГ “РОМУЗУЛ-АҲОДИС” АСАРИДА ҚЎШНИЧИЛИК ОДОБЛАРИ

ЭТИКА СОСЕДСТВА В ПРОИЗВЕДЕНИИ «РОМУЗУЛ- АХАДИС» АХМАДА ЗИЁУДДИНА АЛ-КУМУШХАНАВИ

ETHICS OF THE NEIGHBORHOOD IN THE WORK “ROMUZUL- AHADIS” OF AHMAD ZIYUDDIN AL-KUMUSHKHANAWI

Аннотация: Мақолада Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асосланган нақшбандия тасавуффи таълимоти дунё бўйлаб тарқалишига сабабчи бўлган, Нақшбандия-кумушхонавия тармоғи пири муришиди, Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг (1813-1893) “Ромузул-аҳодис” асарида келтирилган қўшничилик одоблари ўрганилган. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий “Ромузул-аҳодис” – “Ҳадислар денгизи” асарининг 238 бетида 15 та қўшничилик одобларини келтирган. Мақолада Кумушхонавий айтган қўшничилик одобларини айримларига пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи вассаламининг ҳадисларидан мисоллар келтирилган.

Калим сўзлар: Аллоҳ таоло, Қуръони карим, ҳадиси шариф, қўшни, меросхўр, яхшилик, таом, маънавият, аёллар, одоб.

Аннотация: В статье исследуется этикет добрососедства приведенной в работе пири муршеда из течения Нақшбанди-кумушхонави Ахмада Зиёуддина аль-Кумушханави (1813–1893) «Ромузул-аходис», который стал причиной распространения доктрины Нақшбандия по всему миру, основанной Бахаудином Нақшбанди. Ахмад Зиёуддин аль-Кумушханави в книге «Ромузул-аходис» - «Море хадисов» на странице 238 приводит 15 этикетов добрососедства. В статье приводятся примеры некоторых добрососедских манер, упомянутых Кумушханави из хадисов Пророка (мир ему и благословение Аллаха).

Ключевые слова: Аллах, Коран, хадис, сосед, наследник, добро, еда, духовность, женщины, порядочность.

Abstract: The article examines the etiquette of good neighborliness given in the work of piri murshed from the Naqshbandi-kumushkhonavi trend of Ahmad Ziyuddin al-Kumushkhanawi's (1813–1893) “Romuzul-ahodis”, which became the reason for the spread of the Naqshbandiya doctrine around the world, founded by Bahauddin Naqshband. Ahmad Ziyovuddin al-Kumushkhanawi in the book “Romuzul-ahodis” – “The Sea of Hadith” on page 238 gives 15 etiquettes of good neighborliness. The article provides examples of some of the good neighborly manners mentioned by Kumushkhanawi from the hadiths of the Prophet (peace and blessings of Allah be upon him).

Keywords: Allah, Quran, hadith, neighbor, heir, goodness, food, spirituality, women, decency.

КИРИШ

Қадимий давлатчилигимиз нуктаи назаридан қараганда, ХХІ асрнинг 20-йиллари – Миллий тикланишдан миллий юксалиш даври ҳисобланади. Муайян мамлакатда маънавият ва маърифатни кўтариш, у ҳақда ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, ўша мамлакатда тинчлик, барқарорлик вужудга келиб, қўни-қўшничилик муносабатлари яхшиланиб, илм-фан, маърифат ва маданият ривожланади. Бу ўз навбатида, мамлакат олдида турган турли энг мураккаб муаммоларни ҳам ҳал этиш имконини яратади. Давлат ўз фаолиятида маънавият ва маърифатни ривожлантиришни устувор вазифа сифатида қарагандагина, унинг барқарор тараққий этиши учун имкониятлар кенгайиб боради.

Шуни қайд этиш керакки, мамлакатимизда рўй бераётган ҳар қандай юксалишлар, эътирофга лойиқ янгиликларнинг барчаси ўзининг мустаҳкам маънавий асосларига эга.

Аждодларимизнинг бой меросида қўшничилик муносабатларига жуда катта эътибор берилган.

Пайғамбаримиз(с.а.в.): «Кимки урфда яхши ишни жорий қилса, шу яхши ишнинг савоби ва эргашиб шу яхши ишни қилган кишининг савоби унга қиёматгача етиб туради...», дея марҳамат қилганлар. Бундай мисолларни Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Бақара сураси, 195 ояти мазмуни куйидагича: «Яхшилик қилинг! Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади». Ҳадисда эса: «Менинг ризом йўлида бир-бирларини севганларга муҳаббатим собит бўлмай. Менинг ризом

учун бир-бирларини зиёрат этганларга, Менинг ризом учун бир-бирларидан ёрдам ва кўмагини аямаганларга муҳаббатим собит бўлди», деб айтилади. Ушбу ояти карима ва ҳадиси шарифдан англашиладики, инсонлар ўзаро меҳр-муҳаббатли, садоқатли, бағрикенг бўлсалар, бир-бирларини Аллоҳ ризоси учун моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб турсалар, ундай инсонларни Аллоҳ ҳам севади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда баъзи бир маҳаллаларда кўшнилари орасида келишмовчиликлар, жанжалли ҳолатларни учратиш мумкин. Миллий маънавий қадриятларимизда бир-бирига ёрдам бериш, кўни-кўшничилик муносабатлари, ҳамжихатлик, ҳурмат-иззат қилиш баркамол авлод тарбиясида асосий мезон эканлиги кўрсатиб берилган. Маҳалла раислари, хотин-кизлар кенгаши, фаоллар ва бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотлар томонидан олиб бориладиган тарғибот ишларида албатта, аجدодларимиз томонидан яратилган миллий-маънавий меросга таянишлик жуда катта натижа бериши ҳаётда ўз исботини топган.

Қуръони каримда ота-она, қариндошлар, бева-бечора, кўшнилари, йўлдаги ҳамроҳларга яхшилик қилиш буюрилган. Бу тўғрисидаги оят жалила ушбуди: “Аллоҳга бандалик қилинганлар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманганлар! Ота-онангизга яхшилик қилингиз, шунингдек, қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош, кўшни ва бегона кўшница, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қарамларга яхшилик қилингиз. Аллоҳ қибри ва мактанчоқ кишиларни севмайди!” (Нисо сураси 36 оят.) [1:142].

АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, мустақиллик йилларида олиму уламоларимиз томонидан шайх Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушхонавийнинг маънавий мероси ўрганила бошланди. Унинг кўпгина асарлари қатори Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги қўлёзмалар фондида сақланаётган Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушхонавийнинг “Ромузул-аҳодис” – “Ҳадислар денгизи” асари Баҳриддин Умрзоқ томонидан таржима қилиниб, 2007 йил

“Нур сеҳри ошиёни” МЧЖ компьютер маркази нашриётидан чоп этилди [2:24].

Мақоламизда Баҳоуддин нақбанд томонидан асосланган Нақшбандия тасавуффи таълимотини дунё бўйлаб тарқалишига сабабчи бўлган, Нақшбандия-кумушхонавий тармоғини муршеди, “Силсилаи шариф олтин занжир”да 32-ҳалқанинг пири Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушхонавий (1813-1893)нинг [3:7] “Ромузул-аҳодис” асарида келтирилган қўшничилик одобларини ўрганишни мақсад қилдик.

Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушхонавий икки марта ҳаж сафарида боргандан кейин уч йилдан ортиқ Носирия ва Жомий ал-Азҳар дорилфунинида қолиб, ўз таснифлари бўлган “Ромузул аҳодис” – “Ҳадислар денгизи” китобидан талабаларга сабоқ бериб, бу асарни етти марта ўқитиб, юзлаб араб олимларини шайхлик даражасига етказиб, илм йўлига ижозат берган [4:174].

Таъкидлаш жоизки, Аҳмад Зиёвуддин Кумушхонавий “Ромузул-аҳодис” – “Ҳадислар денгизи” китоби талабалари ва яқин дўстларининг илтимоси билан ёзилган. Китобда инсонларнинг кундалик ҳаётида фойдаси, манфаати тегадиган қўшничилик одоблари тўғрисида қисқа, ёдлаш осон, тушуниб амал қилинадиган ҳадислар жуда кўп ҳадис китоблардан саралаб олинган.

Ҳазрат Анас разийаллоҳу анҳудан: “Қиёмат куни бўлганида кўшни кўшнисига даъвогар бўлур, унинг ёқасидан тутар ва айтурки: “Ё Раббим! Сен бундан сўра, эшигини нима учун менга очмади ва таомини нима учун мендан дариг тутди” (Дайламий ривояти) [5:238].

Юқоридаги пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг кўшни тўғрисидаги ҳадисларига Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушхонавий куйидагича шарҳ ёзган:

Кўшница яхши муомала қилиш, қўлдан келганича яхшилик қилишлик ислом динида энг муҳим хусусиятлардан биридир. Кўшни бўлса бунда-да, деб бепарво бўлмаслик лозим. Чунки бир Ҳадиси шарифда уй-жой олмай кўшни танлаш, йўлга чиқишдан олдин ўзига яхши ҳамроҳ топиш тавсия қилинган [5:238].

Кўшничиликнинг ҳақ-ҳуқуқлари на қадар муҳим эканлиги Ойша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий(с.а.в.): “Менга Жаброил алайҳиссалом кўшница яхшилик қилиш ҳақида шунча кўп тавсия қилдики,

хаттоки, уни меросхўрим қилиб қўйса керак, деб ўйладим” дедилар”[6:239]. Бу Ҳадиси шарифда қўшнининг ҳаққи ўта мўътабар эканлиги кўрсатилган. Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушхонавий “Ромузул аҳодис” – Ҳадислар денгизи” асарининг 238-бетида 15 та қўшничилик одобларини келтирган. Биз ҳар бир Кумушхонавий айтган қўшничилик одобининг тафсилотини қуйида келтиришга ҳаракат қилдик.

1) Имкони борида қўшнига ёрдам бериш.

“Муҳаммад (с.а.в.): “Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қўшнисини икром (ёрдам) қилсин”, – дедилар”[7:173]. “Икром қилиш” қўшнига керакли нарсани беғараз, беминат, рози бўлиб, меҳр кўсатиб бериш маъносини англатади.

2) Қўшниси агар оч-наҳор, ночор бўлса, унга ўз таомидан узатиб туриш.

Муҳаммад (с.а.в.): “Биласизми, қўшнинг камбағаллашса, рўзғорига мадад бериб турасиз. Ҳасталанса, зиёратига борасиз. Вафот этса, жанозасига қўшиласиз”, деганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу: “Мен расулуллоҳ (с.а.в.)дан: “Ким ўзининг қорни тўқ бўлиб, қўшниси оч ҳолда ўтирган бўлса, у киши (чин) мўмин эмасдир,” деган сўзларини эшитдим”, дедилар [6:85].

3) Қўшнисига озор беришдан, уни ранжитадиган хатти-ҳаракатлардан сақланиш. Бу мазмунда Ҳадиси шарифда: “Қўшниси унинг азияти ва жафосидан амин бўлмаган одам Аллоҳ таолога ҳақиқий, мукамал имон келтирмаган ҳисобланур”, деб ёзилган.

Абу Шурайх Ҳизоий розияллоҳу анҳу айтдилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.): “Ҳар ким Аллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонса, қўшнисига яхшилик қилсин, меҳмонини ҳурмат қилсин ва ширин сўзли бўлсин. Агар айтадиган яхши сўзи бўлмаса, унда гапиришдан тилини сақласин,” дедилар” [6:83].

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (с.а.в.): “Жаброил менга қўшни ҳақида шу қадар тавсия айтдики, хатто уни меросхўрим қилади, деб қолдим”, – дедилар” [7:167].

Ҳадисларнинг маъносидан маълум бўляптики, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) га Жаброил алайҳиссалом қўшнига яхшилик

ва мурувват кўрсатиш тўғрисида қаттиқ таъкидлаганлар.

4) Озгина бўлсада, қўшнисига мутлақо ҳадя бериб туриш, бир нарса икром қилиб туриш. Қўшни ғайридин бўлганида ҳам худди шундай муомалада бўлишлик лозим. Чунки уч хил қўшни бор: биттагина ҳақга эга қўшни, иккита ҳақга эга қўшни ва учта ҳақга эга қўшни. Буларнинг ким эканлиги қуйидаги Ҳадиси шарифда баён қилинган: “Қўшни уч хил бўлур: биттагина ҳаққи бор қўшни, бу зиммий (Муслмон давлат ҳимоясида бўлган ғайри муслим); иккита ҳаққи бор қўшни, бу мўъмин-муслмон кимса; учинчиси учта ҳаққи бор қўшники, бу ҳам қариндош, ҳам мўъмин-муслмон бўлган кимсадир”[5:238].

Ойша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Ё Расулуллоҳ! Менинг икки қўшним бор. Бирининг эшиги эшигимнинг тўғрисида. Иккинчисиники узокроқ. Гоҳида иккисига етишмайдиган нарса бўлади. Менда уларнинг қай бирининг ҳаққи кўпроқлигини билишни истайман” деди. “Эшиги эшигинг тўғрисидагини”, – дедилар” [7:177].

Демак, шуни унутмайлик ки эшиги эшигимизга яқин қўшнининг ҳаққи кўпроқ экан.

Ҳасан Басрий розияллоҳу анҳудандан қўшни ҳақида сўралганда, у шундай жавоб берди: “Ҳовлининг олд томонидан қирқ ҳовли, орт томонидан қирқ, ўнг томонидан қирқ, сўл томонидан қирқ ҳовалининг ҳаммаси қўшни ҳисобланади” [6:84].

Демак, тўрт тарафдан қирқ хонадон бирига қўшни ҳисобланар экан.

Ғайридин қўшни тўғрисида фақиҳ Амр ибн Ос хизматкорига айтди: “Қўчқорни сўйиб, яхудий, қўшнига насиба бергин”. Кейин бир соат вақт ўтди. Айтди: “Эй хизматкор! Агар қўчқорни сўйсанг, яхудий, қўшнимизга насиба бергин”. Хизматкор айтди: “Бу яхудий қўшни бизларга азият беради-ку”. Абдуллоҳ ибн Амр: “Сен билмайсанми, албатта Расулуллоҳ (с.а.в.) бизларга ҳамиша қўшни ҳақида васият қилганларидан, бизлар уни мерос олса керак, деб гумон қилардик” [8:142].

5) Кийим-кечаги бўлмаса, қўшнига кийим олиб бериш лозим.

6) Бозордан бирон нарса харид қилиб олиб келаётганида иложи борида бу нарсани қўшниси ва унинг болаларига кўрсатмаслик лозим. Бонси кўрса, умидвор булур.

7) **Қўшни бирон-бир ҳадя берса, озми-кўпми буни асло рад қилмаслик, ҳақир қўрмаслик лозим.** Аксинча очиқ-чехралик билан хурсанд бўлиб олиш, ташаккур айтиш керак. Ҳадиси шарифда: “Ўчоғингга қозон қўйиб шўрва қилганингда, сувини кўпроқ сол! Кейин қўшнилариңгга ундан бир коса узат” дейилган;

Абу Зар розияллоҳу анҳу — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ҳикоя қилади: “Дўстим Расулуллоҳ (с.а.в.) менга васият қилиб”, дедики: “Қозон қайнатган пайтингда сувини кўп қил, кейин қўшни уйдагиларига қара. Уларнинг саноғига қараб, бир миқдор улар учун ажрат” [9].

8) **Қўшнисининг деворига бавл, пешоб қилмаслик, унинг ҳовлисига ахлат, ифлос бир нарса оқизмаслик.**

9) **Иложи ва имкони борича қўшнига асло азият бермаслик, бунинг олдини олиш.**

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: “Қўшнининг қўшнига ҳурмати ўз онасига ҳурмати кабидир” [8:142].

10) **Қўшнисидан ўзига келган азиятга, жабрга сабр қилиш. Чунки бунда улкан ажру савобга ноил бўлишлик бордир** [5:238].

Шу борада Ҳасан Басрий айтадиларки: “Ҳуснул живор” яъни яхши қўшничилик деб фақат қўшнига зарар етказмасликлїгина эмас, балки мабодо қўшнилardan зарар ёки озор етса, унга тоқат қилиб, жанжал кўтаравермасликни айтурлар” [9].

11) **Қўшниси рози бўлмас экан, зинҳор унинг уйидан баланд қилиб бино тикламаслик.**

12) **Ўз уйини сотадиган бўлса, энг аввало, қўшнисига маълум қилиш, унга таклиф қилиш.**

13) **Ўзига кўрганини қўшнисига ҳам раво кўриш, ўзига раво кўрмаган бир нарсани қўшнисига ҳам раво кўрмаслик.**

14) **Яхши қўшни учун хурсанд бўлиш.** Чунончи, Ҳадис шарифда “Аллоҳ таоло солиҳ бир мўмин-мусулмон ҳурматига унинг юзта қўшнисидан балоларни даф қилиб турур” [5:239].

Нофиъ ибн Абдул Ҳорис розияллоҳу анҳудандан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (с.а.в.) “Кенг турар жой, солиҳ қўшни ва беозор улов бўлиши мусулмон кишининг саодатидир”, дедилар” [6:86].

Солиҳ имонли, бировга зарари етмайдиган, ростгўй, қалби пок, имкони борича ҳаммага ёрдам берадиган кишидир.

15) **Қўшнилари ўзи ҳақида яхши гумонда бўлишлари, яхши таърифламоқлари учун эзгу ишларга бош-қош, иштирокчи бўлиш** [5:239].

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳудан “Қўшниси мактаган киши, демак у яхши одам, бунга асло шубҳа қилмангиз” деган. Бир киши Жаноб Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб, ўзининг яхши одамлигини қандай қилиб билиши ҳақида сўради. Ул зот (с.а.в.) бундай дедилар: “Қўшнилариңнинг Сен ҳақингга яхши одам деб таърифлашса, билгинки сен яхшисан; ёмон одам деб айтишса, билкинки сен ёмон одам бўлурсан” [5:239].

Ёмон қўшни ҳақида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг дуолари ҳам бор. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қилиб юрадиган дуоларидан бири шундай эди: “Эй Аллоҳ! Мен яшайдиган ердаги ёмон қўшнининг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман, чунки фоний дунёдаги ёмон қўшнидан кўчибгина кутилишинг мумкин” [6:86].

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий (с.а.в.): Эй, муслима аёллар! Эй, муслима аёллар! Ҳеч бир қўшни аёл қўшни аёлга қўйнинг туёғини ҳам арзимас санамасин”, дедилар [10:265].

Ҳақиқатан ҳам, айрим аёлларимиз қўйнинг туёғини арзимас деб арзийдиган нарсани ҳам бергиси келмайди.

Қўшнилар орасининг бузилишига кўпинча аёллар сабабчи бўлади. Уларнинг орасида менсимаслик, кўролмаслик, ҳасад, болалар орасидаги жанжалларга аралашиш, арзимас гаплар туфайли аразлашиб юриш ҳолатларини олдини олишда миллий-маънавий қадриятларимизнинг роли беқиёсдир.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида

“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавият... Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётӣ тушунча ва кадриятларига асосланган”, деб таъкидлаган эди.

Кумушхонавийнинг қўшничилик одоблари ҳақида ёзилган ғояларининг таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушхонавийнинг Р.А. асарида келтирилган қўшничилик одоблари ҳақидаги ғоялари инсонпарварлик қарашларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Қўни-қўшничилик одоблари ҳақидаги ғояларнинг хусусияти шундаки, у бу одобларни кадрият сифатида жуда кенг тушуниб, унга ижтимоӣ мазмун беради. Бу одобларнинг шаклланиши камтарлик, нафсни жиловлаш, меҳмондўстлик, ростгўйлик, саҳийлик, донолик, ақллилик, муҳтож ва етим-есирларга ёрдам бериш, бағрикенглик, мулоӣмлик, ширинсуханлик, шижоаткорлик, эзгулик, меҳр-мурувват, раҳмдиллик, одамийлик каби фазилатларни шакллантиради, инсонни камолот сари етаклайди, уни етук ва комил инсон қилиб тарбиялашга ёрдам беради.

Иккинчидан, Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушхонавийнинг қўшничилик одоблари ҳақидаги 15 та ўғит одамлар доимо интилган ва интилаётган, ишонган ва орзу қилган мақсаддир. Шунинг учун ҳам бу ғояларни ижтимоӣ муносабатларнинг бутун тизимида сингдирмоқ лозим.

Учинчидан, Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушхонавийнинг қўшничилик одобларига оид 15 та ўғити асосида мактабгача таълим, ўрта махсус таълимдаги “Тарбия” дарслари, Олий таълим тизимида жорий этилган маънавиятшунослик фанлари учун махсус услубий қўлланмалар, электронва видео роликлар тайёрлаб фойдаланиш таълим тарбия самарадорлигини оширади.

Тўртинчидан, қўни қўшничилик одоблари ҳақидаги Кумушхонавий ғояларидан ижтимоӣ тармоқлар, маҳалаларда тарғибот ишларини олиб бориш учун тарқатма материаллар тайёрлаб кўрсатув ва суҳбатларни ташкил этиш, маҳалалар, шаҳримиз ва республикамызда тинчлик, хотиржамлик дўстлик, ҳамкорлик, аҳилликни барқарор бўлишига ёрдам беради.

Умуман олганда, юксак маънавиятли халқимизнинг тарихи, маданияти ва адабиётини батафсил таҳлил қилиш, ўрганишда Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушхонавийнинг қимматли фикрлари, ибратомуз сўзлари ғоявий манба бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони Азим мухтасар тафсири. – Тошкент: Шарқ, 2019.
2. Гуламова М.Т. Кумушхонавийнинг валийлик ва унинг даражалари ҳақидаги ғоялари // Ислом тафаккури. – Тошкент: 2021. 3-сон.
3. Гуламова М.Т. Идеи Аҳмада Зиёвуддина ал-Кумушхонавий о знании Universum: Общественные науки: электрон. научн. журн. 2020. № 3(63). URL: <http://7universum.com/ru/social/archive/item/9169>
4. Гуламова М.Т. Аҳмад Зиёвуддин Кумушхонавий ҳаёти ва маънавий мероси // “Buxoro islom madaniyatini modernizatsiyalash va turizmnı barqaror rivojlantirish istiqbollari” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари – Бухоро, 2020.
5. Зиёвуддин Аҳмад Ал-Кумушхонавий. “Ромузул аҳодис” – Ҳадислар денгизи / Таржимон Баҳриддин Умрзоқ. – Тошкент: “Нур сеҳри ошиёни” МЧЖ компютер маркази, 2007.
6. Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад / Таржимонлар: Шамсуддинхон Бобохонов ва Нўъмон Абдулмажид. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006.
7. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Яхшилик ва силаи раҳм. Иккинчи жуз. // Тошкент: Шарқ, 2009.
8. Ал-фақиҳ Абу Лайс ас-Самақандий. Танбеҳул-ғофилийн. Биринчи Китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003.
9. Аҳмедов Ш. “Қўшничилик одоблари ва ҳақлари / [Электронный ресурс]. – Режим доступа: URL: <https://islom.uz/maqola/1565>) (дата обращения: 22.10.2021)
10. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Одоблар ҳазинаси. Имом ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад китобининг шарҳи. Биринчи жуз – Тошкент: Шарқ, 2011.